Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 май жума

Сотувда эркин нархда

№ 105 (2143)

БЕДОР ЎЙ

Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман: халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака, одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида

Навоий тумани таркибидаги Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, тарихий обидаларини қайта таъмирлаш имкониятини кенгайтириш, маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, унинг амалда Навоий шаҳри ҳудуди билан туташиб кетганлигидан келиб чиқиб ҳамда маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истагини инобатга олиб:

1. Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини тузиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Навоий шаҳри ва Навоий тумани чегаралари Кармана шаҳрининг ҳозирги ҳудуди ҳамда Навоий шаҳрининг бир қисми негизида Кармана тумани ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

3. Навоий шаҳри ва Навоий туманининг чегараларини ўзгартириш, Кармана туманини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 23-бандига мувофиқ Олий Мажлисга киритилсин.

4. Навоий шаҳрининг Кармана туманини тузиш тадбирига боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи республика комиссияси тузилсин.

5. Республика комиссияси:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда жорий йил охиригача Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда Навоий шаҳрини келгусида ривожлантириш бош режасига тузатишлар киритсин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Қизилқумнодирметаллотгин" концерни билан биргаликда Навоий шаҳрининг сув, электр таъминоти, канализация ҳамда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ягона тармоғини қайта таъмирлаш ва шакллантириш тадбирларини Кармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларини жалб этган ҳолда Мирсаид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси мажмуи, Шайх Хўжа Хусрав мақбараси, Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармон юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 май.

ХУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаев 27 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида меҳмонни ва унга ҳамроҳлик қилувчи делегация аъзоларини мамлакатимиз Бош вазири Ў. Султонов кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат Бош вазирлари иштирокида ўзаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасида транспорт коммуникацияси, божхона, савдо-сотиқ, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди. Томонлар ҳукуматлараро комиссиянинг 1998 йил баҳорида бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиш жараёнини ҳам кўриб чиқди.

Мажлисда ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш Ўзбекистон учун ҳам, Қозоғистон учун ҳам фойдали бўлиши таъкидланди.

Анжуман 28 май куни ниҳоясига етади.

(ЎзА)

ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 май куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг "Газпром" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхиревни қабул қилди.

Ўзбекистон нефть-газ саноати тараққиёти учун "Газпром" каби ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда бундай ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон нефть-газ саноатида фаолият кўрсатувчи корхоналар билан "Газпром" ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси И.Зайнутдинов иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни қўмита раиси Н. Исмоилов олиб борди. Депутатлар "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Фарғона вилоятида қандай амалга оширилаётганлиги масаласини муҳокама этдилар.

Мажлисда ушбу Қонунни бажариш юзасидан муайян ишлар қилинганлиги, айни вақтда қатор жиддий камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун шарт-шароит яратишга етарлича эътибор бермаяптилар.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузиш шартларини бузиш, уларни бажармаслик ёки лозим даражада ижро этмаслик ҳолларига йўл қўйилмоқда, натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳосил бўлиши ҳоллари учрамоқда. Санаб ўтилган камчиликлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш юзасидан тегишли ваколатлар берилган органларнинг етарли даражада иш олиб бормаётганлиги, шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш яхши ташкил этилмаганлиги оқибатидир.

(Давоми 2-бетда).

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ САРИ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг парламент ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини эркинлаштириш жараёни, шунингдек, давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу дастурий маърузаси ҳамда парламентнинг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори асосида Омбудсман олдида турган вазифалар ҳақида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова сўзга чиқди. У ўз сўзида шуни таъкидлаб ўтдики, демократик институтлар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият турмушининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга, халқаро стандартларни жорий этиш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилмоғи керак. Музокара иштирокчилари Омбудсманнинг ташаббусларини қўллаб-қувватладилар, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклларини таклиф этдилар.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ногиронларнинг реабилитацияси бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурининг Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш якунлари бўйича бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш юзасидан вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларига қаратилган тавсиялар кўриб чиқилди.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзоси И. Савельева ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг масъул ходими С. Рўзметов мажлис аҳлини мазкур Қонун ва дастурга риоя этилишини текшириш натижалари билан таништирдилар, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, аҳоли бу тоифасининг ижтимоий мослашуви юзасидан қатор таклифлар баён этдилар.

Олий Мажлиснинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси Г. Йўлдошева, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатини мониторинги институти директорининг ўринбосари М. Гасанов, комиссия аъзоси Д. Гуломовалар мажлисда сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар туфайли, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тегишли тартибда ҳимояланишини сўраб давлат органларига мурожаат этиш ва шундай ҳимоя билан таъминланиш имкониятига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ўтиш даври шароитида Омбудсман бошқа демократик институтлар билан бир қаторда бу жараёнга ёрдам бериши, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий онгини, умуман эса ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси демократлаштириш йўлидан олга қараб боргани сари унинг халқаро ва ҳукуматлараро мулоқотлари сони орта боради. Омбудсман БМТ ва ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлиги хусусида ҳам ахборот бериб ўтди.

Бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг самарали шаклларидан бири Омбудсманнинг хулосаларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юбориштир. Эксперт кенгаши аъзоси Г. Эшонхонова Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзоларини аниқ ишлар юзасидан тайёрланган хулосалар лойиҳалари билан таништирди. Ҳар тарафлама муҳокамадан сўнг бир қанча қўшимчалар ва тавсиялар асосида бойитилган бу хулосаларни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлис ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Илгари эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги раҳбарларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида бўлди.

Тожикистонлик ҳамкасблар билан учрашув жараёнида кенг қўламдаги икки томонлама муносабатлар муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирлари террорчилик, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматларга битимни имзолади. Битим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иккала мамлакат ҳудудида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай умумий хавфга қарши кураш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик 1998 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ўртасида имзоланган "Ҳар томонлама ҳамкорлик ҳақида декларация"да ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон делегациясини Хўжандда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қабул қилди. Тожикистон Президенти икки томонлама муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қўшни Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатга юксак баҳо берди.

ЎзА — "Жаҳон"

СИЗГА ФУҚАРО МУРОЖААТ БИЛАН КЕЛДИ

Кимдир бирор масала билан қаергадир мурожаат этса, буни фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этишининг, Конституциямиз ва бошқа қонунларда уларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқишининг бир кўриниши деб биламиз. Шундай экан, ҳатларда қўйилган масалалар ҳал этилиши, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона ва ҳўжаликлар, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини, меҳнат аҳлининг турмуш шароитларини яхшилашга, уларга кўрсатилаётган маиший ва маданий хизмат сифатини оширишга қаратилган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши шарт. Айни пайтда унинг натижалари, кўрилган тадбирлар ҳақида хат муаллифларига маълум қилиниши зарур.

XXI аср сари

Ариза ва шикоятларга фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасидаги илтимослари баён этилган мурожаатлар, деб қаралмоғи даркор. Шундай экан, мансабдор шахслар уларни холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишга, мавжуд қонунларимиздан келиб чиқиб, асосланган қарорлар қабул қилишга даъват этилгандирлар. Қонунимизда шу нарса ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатилганки, барча тизимдаги раҳбарлар ҳамда бошқа мансабдор шахслар фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт, қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилмоғи даркор. Огзаки мурожаатлар ва уларни кўриб чиқиш натижалари ҳам махсус рўйхатга олинмоғи лозим.

Кейинги пайтларда жойларда фуқаролар мурожаати билан ишлашга эътибор бирмунча кучайтирилди. Вилоят ва туман ҳокимликлари, республика вазирликлари ҳамда ташкилотлари ариза ва шикоятларда кўтарилган муаммоларни имкони борича ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Юқори ташкилотлар ўзларига қарашли тизимларда бу масала қай аҳволда эканлигидан хабардор бўлиб турибдилар, мутасадди раҳбарларнинг фуқаролар хатларига муносабатда шахсан масъул эканликлари доимо уқтирилиб турилибди, бу борада аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги газетада чоп этилган фуқаронинг «Қонун ҳаммага баробар эмасми?» сарлавҳали танқидий мақоласида кўтарилган масалани ўз вақтида ўрганиб чиққан, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаган. Афсуски, фуқаронинг хати асосида тайёрланган мазкур мақолага ўз вақтида жавоб берилмаган. Ушбу ҳол Тошкент вилоят ҳокимлиги эътиборига ҳавола қилингач, бу масалага жиддий эътибор берилган, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинган. Танқидий мақолага ўз вақтида муносабат билдирилмаганлиги учун Оҳангарон шаҳар ҳокимининг муовини Ф. Мадумаровга ва девонхона мудири А. Қодировларга ҳайфсан эълон қилинган ҳамда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан қўшимча чоралар белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, республика ташкилотларига, жумладан, «Халқ сўзи» таҳририятига келаётган шикоят ва аризаларнинг сони айтарлик камаймаётир. Сабаби — жойлардаги турли поғоналардаги раҳбарларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги туфайли фуқаролар бизга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Чунончи, шу йилнинг ўтган даври мобайнида Қашқадарё вилоятидан келган аризалар 50 тадан ошиб кетди, Самарқанд вилоятидан келган шикоятлар эса 42 тани ташкил этди. Шунингдек, Навоий ва Хоразм вилоятларида ҳам худди шундай ҳол юз бермоқда. Афтидан, айрим туман тизимидаги ташкилотларда тўрачилик, сансалорлик, фуқароларнинг илтимосларига нописандлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали батамом бартараф этилмаган. Зангиота туманининг «Мустақиллик» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро А. Маҳкамов маҳаллий раҳбарларга ҳамда туман ҳокимиятига уйжой қуриш учун ер ажратиб бериш тўғрисида бир неча маротаба мурожаат этган. Лекин унинг илтимоси қондирилиши, жилла қурса қаноатланарли жавоб бериш ўрнига «бор отангга — бор онангга» қабилида йўл тутилган. Ниҳоят, таҳририят аралашгач, бу масала ижобий ҳал этилди. Шундай бир табиий савол туғилади: унчалик мураккаб бўлмаган мазкур масала нега жойнинг ўзида маҳаллий раҳбарлар томонидан ҳал этилмай, фуқаро сарсон-саргардон бўлиши керак?

Жойлардаги турли идораларга фуқаролар ҳар хил сўровлар, илтимосномалар, шикоятлар билан мурожаат қиладилар. Аризаларда кўтарилган баъзи масалаларни шу яқин кунларда ижобий ҳал этиш имкониятлари йўқ бўлиши мумкин. Қишлоқ жойларда қатор хўжаликлар иқтисодий ночор аҳволда эканлиги инобатга олинадиган бўлса, вазият янада ойдинлашади. Бундай ҳолда бор ҳақиқат бутун тўлалигича айтилгани маъқул, илло, кишилар қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмаслик даркор. Ҳокимликларга, оммавий ахборот воситаларига келаётган хатларнинг аксарият қисмини аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари ташкил этади. Бу борада ҳали қатор камчиликлар борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Навбаҳор, Қизилтепа туманларида тоза ичимлик суви билан таъминланиш 35-40 фоизни ташкил этади. Табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам тахминан шу рақамларни келтириш мумкин.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўлланётган мурожаатлари у ёки бу соҳадаги аҳвол тўғрисида жамоат фикрини ўрганиш учун муҳим манбадир. Айтиш керакки, кейинги пайтларда милиция, суд ва прокуратура органларининг фаолияти устидан келаётган шикоят ва аризалар сони хийла кўпайди. Бу нарса, афтидан, тегишли ташкилот раҳбарларидан ўз соҳаларидаги аҳволни назорат қилишни кучайтириш, талабчанликни ошириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, мавжуд қонунларимизга оғишмай амал қилинишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўришни талаб этаётир.

Кишилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик чуқур билса, уларнинг юртимизда юз бераётган жараёнларга аралашиши, ишларнинг боришига таъсир ўтказиши кучаяди, жамият учун зиммаларидаги масъулиятни шу қадар юксакроқ ҳис этадиган бўладилар. Улар шу юртнинг ҳақиқий эгалари сифатида жойларда қандай камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўриб турибдилар ва уларни тугатиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Улар асосланган, ўринли бўлса, албатта, инобатга олинмоғи даркор. Бу эса озод шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг мурожаатини жойлардаги ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг бир кўриниши, деб тушунмоқ тўғри бўлади. Шундай экан, барча табақадаги бошқарув тизимларида кишиларни қабул қилиш, улардан келаётган хат, ариза ва шикоятлар билан ишлашни яхшилаш, бу соҳадаги тадбирларни янада такомиллаштириш — раҳбар ходимларимизнинг юрт олдидаги, эл олдидаги шарафли бурчи бўлмоғи лозим. Шуни унутмайликки, жамиятимизда халқ лавозимдорга эмас, балки лавозимдорлар халққа хизмат қилиши қатъий ва ўзгармас қоида бўлмоғи даркор.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш хайрли иш, деймиз. Қизилқум чўллари бағрида унинг савоби ўн карра улуғ. Томдилик тажрибали даволовчи врач Улбўсин Достқобилова "Аяққудуқ" ҳиссадорлик жамияти марказидаги овулда шахсий тиббиёт маскани очиб, овулдошлари — чўпон-чўлиқлар дуосига қолди. Улбўсин опа узоқ йиллар Бухоро, Зарафшон шаҳарларида меҳнат қилиб, беморларнинг дардига малҳам бўлди. Икки йил аввал нафақага чиқиб, овулига қайтди. Қизилқумда, хусусан, Томдида малакали тиббиёт ходимларининг етишмаслиги унга тинчлик бермади. Қисқа вақт ичида шинамгина тиббиёт маскани зарур дори-дармонлар, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Савобталаб тадбиркорлар Улбўсин опанинг ёнига киришди. Хизмат гарчи пуллик бўлса-да, ҳар ким топганини беради.

П.ЖУМАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АРПАГА ЎРОҚ ТУШДИ

Қашқадарё ғаллазорларида бўлган кишининг кўзи қувонади. Шабадада тиззага бўй уриб тебраниб турган ғалла далаларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилганидан дарак беради. Деҳқонлар бу йил қарийб 560 минг тонна дон етиштиришга аҳд қилганлар. Эндиги асосий вазифа мавжуд 1 минг 315 та ўрим-йиғим комбайнидан унумли фойдаланиш, ҳосилни қулай фурсатларда нестнобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборатдир.

Қамаши туманининг "Ғаллакор" ширкатлар уюшмасида бўлиб ўтган семинар-кенгашда ана шу ҳақда гапирилди. Унинг қатнашчилари хўжалик қошидаги давлат нав синаш-тажриба участкасида бўлдилар, комбайнларнинг мавсумга шайлиги, механизаторларга яратилган шароит, ғалла ва бошқа дон экинларининг ривожи билан танишдилар. Шу куни мазкур хўжаликда арпага ўроқ тушди.

Кенгашда вилоят ҳокими Ш. Бегматов сўзга чиқди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

МАШИНАЛАР УЧУН... ОЙНА

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Латофат" хусусий фирмаси иш бошлади. Исми жисмига монанд бу фирмада турли русумдаги автомашиналар учун ойна ишлаб чиқарилади, эскилари таъмирланади ва ўрнатиб берилади. Хомашё эса Қувасой заводидан келтирилаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ердаги ойна ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар республикамизда ягонадир. Маҳсулот нархи ва хизмат ҳақи эса анча арзон.

Машиналар учун сифатли ойна тайёрлаш ва уни рисоладагидек ўрнатиб беришда Алик Чернаев, Андрей Ирмамов, Рафаэль Ибодов сингари қўли гул усталар бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Уларнинг ҳар бири ойнга 40-45 минг сўмдан иш ҳақи олмоқда.

Рўзимат ДАМИНОВ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

ОБИДЖОН ВА "АЛФА-ПАВАР"

Обиджон Охунжонов Асакадаги фаолияти бутунлай тўхтаб қолган мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятидаги аҳволни ўнглашга киришди.

У ишни мосламаларни қайта таъмирлашдан бошлади. Бир кеча-кундузда 550 тонна помидорни қайта ишлаб, томат тайёрлайдиган дасттоҳ ўрнатилди. Айни пайтда бир лаҳзада 120 дона тунука идишда консерва тайёрлаш имконига эга бўлган мослама ҳам ишга туширилди.

Чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликни йўлга қўймай туриб, кўзланган натижаларга эришиб бўлмаслигини яхши билган тадбиркор раҳбар Швециянинг "Алфа-Павар" корхонаси билан алоқа ўрнатди.

Қайта ишловчилар деҳқонлар ва боғбонлар ҳузурида бўлиб, улардан 1300 тонна олма, 600 тонна олхўри, 500 тонна шафтоли, 240 тонна ўрик, 165 тонна узум, 300 тонна беҳи қабул қилиб олиш юзасидан шартнома туздилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

халқаро экспертлар нигоҳида

Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир... Халқ иродаси ҳокимиятнинг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва соҳталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак.

(Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси).

Маълумки, ҳар бир фуқаронинг эркин ва ҳалол сайлов йўли билан давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бир қатор халқаро меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Сайловчиларнинг ҳуқуқларини эътироф этувчи бундай халқаро ҳужжатлар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси — мазкур муаммоларни ҳал қилиш доирасида энг эътиборли манбалардан бири ҳисобланади.

Жаҳондаги турли давлатларнинг амалиёти эркин ва ҳалол сайловларни халқаро ҳамжамият фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг таркибий бир қисми деб тан олишини амалда тасдиқламоқда, холос.

Чиндан ҳам, халқнинг ўз демократик интилишларини сайлов жараёнларида фаол қатнашмасдан туриб намоён эта олишини тасаввур этиб бўлмайди.

Собиқ шўролар даврида сайловлар моҳирона уйналадиган саҳнавий томоша даражасига кўтарилганлигини кўпчилик яхши эслайди. Унда ҳамманинг ўз роли бўларди. Большевиклар диктатураси шароитида аҳолининг сайлов участкаларига келишининг деярли юз фоиз бўлиши таъминланар эди. Сайловларда қатнашмаслик моҳият-эътибори билан сиёсий мухолифлик деб баҳоланарди. Аслида, уни сайлов деб ҳам бўлмас эди. Негаки, сайловчилар танҳо битта... бирдан-бир номзод (партия раҳбари, колхозчи, сут соғувчи) учун овоз берардилар.

Орадан вақт ўтиб, халқимиз Ўзбекистон мустақиллиги туфайлигина бутун дунё тан оладиган ва эъзозлайдиган ҳақиқий демократик қадриятларга ҳамнафас бўлди.

Мамлакатда 1991 йилдаги Президент сайлови, 1994 йилда Олий Мажлис учун сайловлар биринчи марта муқобиллик, кўп партиявийлик асосида бўлиб ўтди. Худди ўша кунлари сайлов тизимининг демократик механизмлари фаол ишга тушиб кетди. Одамлар ўз келажакларини қуриш, давлат бошқарув органларини шакллантириш учун овоз бериш мақсадида сайлов қутилари ёнига келдилар.

Орадан саккиз йил ўтиб, мустақил Ўзбекистон ўз сайлов тизимига ва қонун билан ҳимоя қилинган сайлов ҳуқуқларига эга бўлганлигидан бемалол фахрланса арзийди. Яқинда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг расмий матбуот нашри — «Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси»да чоп этилган мақола ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

«Хорижий сайловлар» рукни остида берилган таҳлилий мақола «Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи» деб номланган. Мақола салмоқли ҳажмда бўлиб, журналнинг 12 саҳифасини эгаллаган. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳақида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларга таянган сайлов қонунчилигимизга холисона баҳо берилади ва унинг кўп қиррали таҳлилига қўл урилади. Дарвоқе, кейинги Қонун асосида 1998 йилда республикамизда Марказий сайлов комиссияси ташкил этилди.

Муаллифлар — Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Халқаро алоқалар бошқармаси маслаҳатчиси И. А. Евланов ҳамда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси қошидаги Илмий-услубий кенгаш аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) эксперти В. И. Лисенколарнинг ушбу мақоласини ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкентда «Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги: уни амалга ошириш механизмлари» мавзуида бўлиб ўтган *лан кейинги учрашувида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг олдинда турган сайловларга тайёргарлик пайтида ЕХҲТ билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқаётганлигини тасдиқлади».*

ЕХҲТ/ДИИҲБнинг сайлов тизими масалалари бўйича маслаҳатчиси Вадим Жданович ўзининг табрик нутқида ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва конструктив асосларини алоҳида таъкидлади:

«Кенг миқёсда демократияга ўтишнинг ҳозирги тарихий даврида ЕХҲТнинг тамойилларига мос равишда очиқ ва ошкора сайловлар ўтказиш Ўзбекистон учун туб аҳамиятлидир».

Мақола муаллифларининг у ёки бу мамлакатнинг қонунчилиги, энг аввало, миллий менталитет ва маҳаллий шарт-шароитларга мос эканлигини эътироф этиши кишида мамнуният уйғотади. Жумладан, мақола муаллифлари шундай деб ёзади:

«Давра суҳбати» қатнашчилари Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги умуман олганда, моҳиятан демократик эканлигини, унинг сайловларни ташкил этиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умуммиқёсда тан олинган меъёрлари ва тамойилларига мос келишини ҳамда миллий хусусиятлар ва маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда сайлов жараёнларининг демократик асосларини янада такомиллаштириб боришга қаратилганлигини таъкидладилар.

«Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мақоми ҳамда ваколатлари алоҳида қонун билан мустаҳкамланганлиги, сиёсий партияларнинг сайловларга иштироки шароитидаги ҳуқуқий ҳолатлари аниқлаб берилганлиги, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига Олий Мажлис (парламент) депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи берилганлиги, шунингдек, миллий хусусиятларни, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб тузилган ҳамда сайлов жараёнларини барча даражада уюштиришга муҳим таъсир кўрсата оладиган айрим меъёрий ҳужжатларнинг низомий қоидалари, сайловга тайёргарлик тадбирларида қатнашиши учун тенг ҳуқуқий ва молиявий имкониятлар яратилганлиги миллий сайлов қонунчилигидаги янги демократик жиҳатлар тарзида баҳоланди».

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий давлат қуриш учун пойдевор ташлай бошлади. Бу, албатта, биринчи навбатда, вакиллик ҳокимиятни шакллантиришга хизмат қиладиган сайлов ҳуқуқида ўз ифодасини топди.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро андозаларга таяниб яратилган қонунлар мажмуаси сайловчиларнинг эркин овоз беришини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларга айланди.

Юқорида эсланган «Ахборотнома» нашридан қуйидаги иқтибосни келтирайлик:

«Ўзбекистонда, Россиядан фарқли ўлароқ, сайлов жараёнларини ҳуқуқий бошқариш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бўлиб, унда сайлов тизимига бағишланган мустақил боб (XXIII боб, «Сайлов тизими») ҳамда сайлов жараёнини бошқаришга доир конституциявий моделнинг асосий белгиларини ўзида мужассам этган алоҳида модда (117-модда) мавжуд».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови **умумий, тенг, тўғридан-тўғри** сайлов ҳуқуқи асосида **яширин** овоз бериш йўли билан ўтказилади», деб белгиланган. Юқорида саналган демократик меъёрлар, шунингдек, **эркин** овоз бериш тамойиллари, сайловларнинг **ошкоралиги** сайловлар тўғрисидаги қонунларда янада ривожлантирилди.

«Ўзбекистонда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Сайловлар тўғрисидаги янги қонунлар жаҳон тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилди, сайловлар жараёнини ташкил этиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларини, хорижий мамлакатлардаги сайлов қонунчилигининг муҳим демократик меъёрларини ўзида мужассам этиб, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассисларининг юксак баҳоларига сазовор бўлди», дейилади *«Ахборотнома»да.*

Сайловлар — давлатнинг шаклланиши ва тадрижий ривожланишидаги муҳим тарихий босқичдир. Улар демократия қуртакларини жонлантирувчи манбаларга ҳам, аксинча, улар учун кучли бўронга ҳам айланиши мумкин. Эркин ва адолатли сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онгини тараққий эттиришга хизмат қилади ва уларга бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда иштирок этиш имкониятини яратади.

Ҳудди шу нуқтаи назардан, мукаммал сайлов қонунчилиги асосларининг мавжудлиги гоятда муҳимдир. Шундагина собиқ шўролар тузуми ҳудудида айни кунларда ҳам юз бериб турган сайловдан кейинги можаролар, қизғин баҳслар, намойишлар, сиёсий эҳтиросларнинг нафақат ўзбекистонлик, балки халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларини, хорижий мамлакатлардаги сайлов қонунчилигининг муҳим демократик меъёрларини ўзида мужассам этиб, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассисларининг юксак баҳоларига сазовор бўлди»,

ХОРАЗМ: 1999-2001 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ЭКСКАВАТОРИ

Урганч таъмир-экскаватор заводида йиғилган ЭО 4111 русумли улкан экскаватор барчанинг эътиборини тортмоқда. У кўринишдан мустақиллик йилларида Хоразмдаги бу корхонада йиғилган 250 дан ортиқ экскаватордан фарқ қилмайди. Аммо гап шундаки, бу кўп тоннали мураккаб механизмни йиғишда ишлатилган қисм ва агрегатларнинг ўндан тўққизи Ўзбекистон корхоналарида тайёрланган.

— Бу — намуна нусха, — дейди завод директори Мадраим Қурбонниёзов. — Уни Ватанимиз машинасозлигидаги янги соҳанинг тўнғичи десак, хато бўлмайди. Экскаваторда ўрнатилган қисм ва деталларнинг кўпчилиги махсус жиҳозларда тайёрланган. Муҳандисларимиз айрим босқичларда уларнинг баъзиларини ҳатто қўлда тайёрлаган эди. Табиийки, бу ҳолда узлуксиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 майда қабул қилинган «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори корхонамиз олдида катта истиқболлар очиб беради.

Яқинда корхонада янги механика-йиғув цехи биноси қуриб битказилди. Бироқ экскаваторларнинг асосий қисм ва агрегатларини ишлаб чиқариш, уларни йиғиш учун цехни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш керак. Бу асбоб-ускуналарнинг умумий сони 180 дан ошиб кетади. Завод ҳузурида яна бир катта цех — қуйиш цехини қуриш ҳам мўлжалланган.


Бунинг учун республика бюджетидан 600 миллион сўм ажратилади. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам шунча миқдорда имтиёзли кредит ажратади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги суғориш ишларини, карьер ишланмаларини амалга ошириш, магистрал ва маҳаллий қувурларни ётқизиш учун ҳар йили тахминан 300 экскаватор керак бўлади. Урганчдаги заводда 2001 йилда шунча экскаватор ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бунча экскаватор ҳориждан сотиб олинганида 30 миллион АҚШ доллари сарфланган бўлар эди.

Вилоятни ривожлантириш дастури иқтисодий масалалардан ташқари, муҳим ижтимоий вазифаларни ҳам ҳал этади. Урганч таъмир-экскаватор заводида 200 дан 250 тагача қўшимча ишчи ўрни очилади.

2000 йилда заводда ишлаб чиқариш мўлжалланган 200 экскаваторнинг умумий қиймати 3 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан 600 миллион сўми солиқ ҳамда республика ва маҳаллий бюджетга бошқа мажбурий тўловлар шаклида тушади. Демак, мамлакат ва вилоятда турли ижтимоий дастурлар учун қўшимча маблағлар пайдо бўлади.

Т. ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.



Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги пилакорлари бу йил 250 қути ипак қурти парваришлашди. Барчанинг ҳамжиҳатлик билан олиб борган ишлари туфайли ҳосил мўл бўлди. Қабул пунктига 13 минг килограмм ўрнига 16 минг 927 килограмм сифатли хомашё топширилди. Бошқача қилиб айтганда, режа 130 фоиз уддаланди.

СУРАТДА: илғор пиллакор Кимёхон Ризаева ва бригада бошлиғи Сорахон Норматова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЯНА БИР ҚУЛДЙЛИК

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус бўлимининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида Урология маркази очилди. Унда жигар, буйрак, нафас олиш йўллари, таянч-ҳаракат органлари хасталикларига чалинган беморлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйилиб даволанади. Тиббий ускуналар Исроилнинг «Форум» фирмасидан келтирилди. Бунинг учун қарийб икки миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Шаҳрихон тумани ҳокимлиги ҳузурида ҳуқуқий билимлар халқ университети ташкил этилди. Дастлабки машғулот Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш масалаларига бағишланди.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Қаерда дам олсан, болажон?

«ОФТОБЧА» ЁПИЛМАСЛИГИ КЕРАК

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми бошланди. Наманган вилоятида 24 минг ўқувчини оромгоҳларга тортиш мўлжалланган. Бунинг учун 32 та болалар дам олиш маскани фаолият кўрсатиши лозим. "Наманган-телеком"га қарашли "Ёш алоқачи", маиший хизмат уюшмасининг "Ором", қурилиш-таъмирлаш трестининг "Шодлик", "Наманган-қурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг "Қурувчи" лагерлари болаларни қабул қилишга барвақт шайлаб қўйилди.

Аммо ҳамма жойда ҳам мавсумга ҳозирлик ишларига бирдай масъулиятли муносабатда бўлишаётгани йўқ. Поп туманидаги тоғлар бағрида кўплаб болалар оромгоҳлари бор. Бир вақтлар чор тарафга довруқ таратган бу масканлардан тобора файз кетаяпти. Бултур "Наманганэлектротерм"нинг мавсум давомида 390 болани соғломлаштиришга мўлжалланган "Электрон" оромгоҳи ёпилган эди. Бу йил эса "Ўзбекистон ўрамли том ёпиш ашёлари комбинати" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Қамчиқ довони ҳудудидаги "Офтобча" лагери бошига шундай кун тушадиган кўринади. Ҳавосини симириб тўймайдиган бу гўшада уч босқичда 660 бола дам олиши мумкин. Унда ўғил-қизларнинг маза қилиб ҳордиқ чиқаришлари учун шароит жуда соз. Бундан икки йил аввал жамоа республикада иккинчи ўринни эгаллаб, мукофотга видеоиккилик ҳам олган эди. Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди-ю, ижтимоий масалаларга муносабат ўзгарди. Касаба уюшмаси қўмитасининг бу борадаги ҳаракатлари бекорга кетмоқда. Ваҳоланки, жамоа шартномасида бу масала ҳамиша қатъий кўрсатиб келинган.

— "Офтобча" учун 2 миллион сўм ажратишни сўраб, Кузатув кенгашига расмий хат билан мурожаат қилган эдим, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунали Умаров. — Бироқ олинаётган фойда камлигини рўкач қилиб, рад жавобини беришди. Тўғри, корхонамизда аҳвол зўр эмас. Лекин силжиш бор. Масалан, биринчи чоракда 339 минг сўм фойда олган бўлсак, апрелнинг ўзида бу миқдор 42 миллион сўмга чиқди. Ҳаммаси аста-секин бўлади-да. Ахир, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, аввало, кишиларнинг кайфиятини кўтариш, уларга шароит яратиб бериш керак эмасми?

Қўмита раиси ҳақ гапни айтди. Юқори самарага эришиш, кўпроқ фойда олиш учун харажат ҳам кетади-да. Ҳиссадорлик жамияти Кузатув кенгашининг ижтимоий мақсадлар учун харажатни мунтазам камайтириб бораётгани яхши натижага олиб бормайди. Жамиятимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканини наҳотки жаноб Ф.Эшқобилов бошлиқ кенгаш аъзолари тушунишмаса? Ахир, "Офтобча" корхона меҳнатчиларининг пешона тери эвазига яратилган маблағ билан бунёд этилган-ку! Ундан фойдаланишни хоҳламай, болаларни мароқли ҳордиқдан бенасиб қилиш инсофданми? Бунинг устига, ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар ўз фарзандларининг "Дада, мен ёзда қаерда дам оламан?" деган саволига нима деб жавоб қайтаришади? Балки бу масалада уларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва "Ўзқурилишматериаллар" компанияси ёрдам қўлини чўзар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1999 йил 3 майдан 22 майгача бўлган маълумот):

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағлари ўчириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.*

1999 йил 4 майда 615-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сонли қарори иловасида кўрсатилган "бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари"га киралиган товарлар рўйхати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 4 майда 713-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сонли қарори иловасида кўрсатилган "бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмаган истеъмол товарлари"га киradиган товарлар рўйхати. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 4 майда 714-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

4. Уй-жойларни 1 кв. метрини таъминлаш ва таъмирлаш учун тўлов тарифини белгилаш усули. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 5 майда 715-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

5. Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 7 майда 716-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

6. Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 7 майда 717-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

7. Банк хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низом. *ЎзР Марказий банки ва Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 10 майда 718-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

8. Бож олинмайдиган савдо дўконлари режими тўғрисида низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 10 майда 719-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

9. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақида тушунтириш. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, ЎзР Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан келишилган.*

1999 йил 10 майда 720-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

10. Халқ банки бўлимларининг Ўзбекистон Республикаси банклари билан электрон тўловлар тизимида ҳисоб-китоблар юритишининг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 10 майда 721-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га нисбатан қўшилган қиймат солигини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 10 майда 520-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

12. Раҳбарий ҳужжат. Ишларга ҳақ тўлаш тартиби. *«Ўздавстандарт» томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 11 майда 722-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

13. МДҲ мамлакатларининг авиакомпаниялари томонидан авиация хизматлари учун ҳисоб-китобларни ва Ўзбекистон Республикасида олинган тушумнинг харажатлардан ортиқча суммасини чет элга ўтказишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича йўриқнома. *"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича ЎзР Давлат назоратини томонидан тасдиқланган ҳамда ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 12 майда 723-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

14. Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишдан тушумни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг махсус тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 11 майда 724-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси органлари томонидан ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича муваққат йўриқнома. *ЎзР Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 11 майда 725-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

16. Хорижлаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспорт бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 11 майда 726-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

17. Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш. *ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 11 майда 448-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида корхоналар томонидан чиқариладиган алкоголли маҳсулотларни Мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *«Ўздавстандарт» томонидан тасдиқланган ҳамда "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзкимёсаноат" ассоциацияси ва "Шарқ" концерни билан келишилган.*

1999 йил 12 майда 480-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

19. Хорижий сайёҳларга эркин алмаштириладиган валютада хизмат кўрсатиш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк томонидан тасдиқланган ҳамда ЎзР Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбектуризм" МК билан келишилган.*

1999 йил 13 майда 727-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

20. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 13 майда 444-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

21. Биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш тартиби. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган.*

1999 йил 14 майда 728-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

22. Моддий мададга муҳтож ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва республика "Маҳалла" жамғармаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 17 майда 729-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

23. Ўзбекистон Республикасида Халқаро Ибн Сино жамғармаси ва унинг бўлимларига солиқ солиш тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 17 майда 730-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

24. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига фақат эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилиш рухсат этилган товарларни олиб чиқишнинг чекланган меъёрлари. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 18 майда 731-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

25. Ўзбекистон Республикасида тупроқ бонитировкаси бўйича ишларни ўтказиш ва материалларни тасдиқлаш тартиби. *ЎзР Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 18 майда 732-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

26. Биржадан ташқари битимларни ҳисобга олиш регистри тўғрисидаги Низомга 1-сонли ўзгартиришлар. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 20 майда 707-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

27. Суғурта ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 21 майда 733-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

28. ХИФларнинг йиллик (чорак) ҳисоботлари учун бухгалтерлик баланси шаклини тасдиқлаш тўғрисида буйруқ. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 21 майда 734-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради. Айрим ҳолларда меъёрий ҳужжатларни кучга киритиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа қоидалар ҳам бажарилиши лозим (матбуотда чоп этиш ва бошқалар).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР ДСҚ Бош божхона бошқармаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 7 майдан чиқарилди (1994 йил 28 августда 92-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

2. Биржадан ташқари савдо электрон тизимида қимматли қоғозлар билан савдони амалга оширишнинг вақтинчалик қоидалари. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 14 майдан чиқарилди (1998 йил 31 июлда 462-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Мазкур меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиқ корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланишда солиқ ставкаси миқдорлари тўғрисида тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл давлатлари дипломатик муассасалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш) ва ишлаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасига барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш учун полосалар (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси томонидан тақдим этилган.*

4. Барча турдаги юқори частотали қурилмаларнинг рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва техник кўрсаткичларини ўлчашни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Солиқ органлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини текшириш ва давлат назоратини амалга ошириш тартиби. *ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, сотиш, сотиб олиш ва фойдаланиш тартибига риоя этиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикасининг учиш, курсантлик, диспетчерлик таркибини, бортпроводниклар ва фуқаролик авиацияси ўқув юртларига киришга номзодларни тиббий гувоҳлантириш тўғрисида низом. *Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича ЎзР Давлат назорати томонидан тақдим этилган.*

8. Давлат активларини жалб қилиш йўли билан ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятини мониторинг қилиш. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

9. Телекоммуникациялар тармоқлари операторларининг миллий маълумотлар узатиш тармоғида уланиши ва ўзаро ишлаши тартиби. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Синов ҳаво кемаларини давлат ҳисобига олиш қоидалари. *ЎзР «Дававианазорат» томонидан тақдим этилган.*

11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни амалга ошириш учун ва фьючерс контрактлари бўйича аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилишини мажбурий суғурта қилиш бўйича йўриқнома. *«Ўзагросуғурта» томонидан тақдим этилган.*

12. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тижорат банклари томонидан бериладиган кредитни қайтара олмаслик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича йўриқнома. *«Ўзагросуғурта» томонидан тақдим этилган.*

13. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг гаровга қўйилган мол-мулкининг мажбурий суғуртаси тўғрисида йўриқнома. *«Ўзагросуғурта» томонидан тақдим этилган.*

14. Қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларга тегишли мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси тўғрисида йўриқнома. *«Ўзагросуғурта» томонидан тақдим этилган.*

15. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларидаги транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида йўриқнома. *«Ўзагросуғурта» томонидан тақдим этилган.*

16. Сугурта ташкилотларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

17. Салбий табиат иқлими шароитлари жойларидаги ишлар билан боғлиқ жисмоний шахсларнинг қўшимча тўловларига солиқ солиш тўғрисида тушунтириш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. Автомобиль транспортида юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларни сертификациялаш тизими. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Ҳаракатланадиган таркибларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Автомобиль ва аккумуляторларни ҳисобдан чиқаришда темир-терсак чиқими меъёрлари. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

21. Автомобиль транспортида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича низом. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

21. Автотранспорт корхоналарида назорат-техник пунктлари иши бўйича раҳбарий ҳужжатлар. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

23. Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва уларни бўлиб тўлашга имкон бериш бўйича йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

24. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

25. Товар-хомашё биржасининг ҳисоб-китоб клиринг палатаси тўғрисида намунавий низом. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

26. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

27. «Давсувхўжаликназорат» нозири тўғрисида низом. *«Давсувхўжаликназорат» томонидан тақдим этилган.*

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Классификация гувоҳномаси. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Сузишга лойиқлик ҳақида гувоҳнома. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Кема гувоҳномаси. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси дарё кемачилиги регистри низоми. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Ўзбекистон Республикаси ички кема йўлларида сузиш қоидалари. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Амударё - дарё бассейнида фойдаланилаётган ички сузиш кемаларига регистр талаблари. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Аҳоли даромадларини фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳисобварақларига нақд пулсиз ўтказиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

8. Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операциялар ўтказиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

9. Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

10. Банкнинг устав фонди миқдорини, акциялорлари таркибини, номланиши ва жойлашган жойини ўзгартириш, уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

11. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тавакkалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

12. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

13. Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари аукционларини ўтказиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

14. Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Хорижий валютадаги ҳисобварақларда маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги муддати ўтказилган мажбуриятларини қоплаш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотлари актуарларининг меъёрий мажбуриятларга мос келиши тўғрисида вақтинчалик низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

17. Коммунал хизматлар кўрсатиш ставкалари ва тарифларини шакллантириш учун харажатлар таркибини белгилаш усули. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. Ишлаб чиқариш қуввати йиллик ҳисоблар балансларини тузиш бўйича кўрсатмалар. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Истеъмол товарларини сотиш нархлари истиқболини белгилаш ва ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича кўрсатмалар. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Ерларни геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш истиқболини шакллантириш бўйича йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

21. Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

22. Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш даврида стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

23. Касбга тайёргарлик ва қайта тайёргарлик, малакасини оширишдан ўтган ходимларни аттестациялаш ва малака даражасини бериш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

24. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пул маблағларини топшириш ва олиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

25. Сугурта назорати бўйича Давлат инспекцияси томонидан сугурта ташкилотлари фаолиятини текширишни ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

26. Тижорат банкларининг иқтисодий ночор (банкрот) ва тўловга қобилиятсиз хўжалик субъектлари билан ишлаш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

27. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *«Ўзгеодезкадастр» томонидан тақдим этилган.*

28. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбар лавозимларига тайинлаш ва озод этиш ҳамда педагог ва муҳандис-педагог кадрларни ишга қабул қилиш ва бўшатишнинг муваққат тартиби. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

29. Санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена меъёрлари (12 та ҳужжат). *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

ОРОЛ – ГОЛЛАНДИЯЛИК РАССОМ ИЖОДИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида голландиялик рассом Рональд Клеернинг шахсий кўргазмаси очилди. Гап шундаки, ёш рассом икки йил муқаддам, Гаагадаги Қироллик Санъат академиясида ўқиётган чоғида ўзбек мусаввири Абдулҳаким Турдиев билан танишиб, унинг таклифига кўра, Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Юртимизга қилган илк сафари унда чуқур таассурот қолдирди. Ўқишни тамомлагач, ўз ижодий фаолиятини мамлакатимизда давом эттиришга аҳд қилди.


Мана, бир ярим йилдирки, Рональд Клеер Тошкентда яшамоқда. Шу вақт давомида у мамлакатимиз бўйлаб сафар қилди, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Орол денгизи минтақасида, Мўйноқ шаҳрида бўлди. Орол фожиаси уни гоят ташвишлантирди. Мусаввир ўзининг бу кечинмаларини ёркин бўёқлардаги асарларида акс эттирди.

Кўргазма очилишида Бадиий академия раиси Т.Кўзиев сўзга чиқиб, голландиялик рассомнинг кўргазмага қўйилган асарлари одамларга Орол дарди — дунё дарди эканлигини эслатиб, уларни табиатни асраб-авайлашга чорлашини таъкидлади.

М.ОДИЛОВА. (ЎзА).

Эркин ва юнон-рум кураши

ИККИТА БРОНЗА НАҚД



Қизғин беллашувлар остида ўтаётган XIII Осиё чемпионатининг учинчи куни эркин курашчиларнинг ярим финал мусобақалари билан бошланди. 54 кг. вазн тоифасида дастлаб гиламга ҳамюртимиз Адҳам Очилов ва шимолий кореялик Хан Йонг До тушишди. Охирги дақиқагача кескин курашларга бой бўлган ушбу беллашувда Адҳам 6:8 ҳисобида имкониятни бой берди. Мазкур вазн тоифасидаги иккинчи ярим финалда қозоғистонлик Мавлон Маъмуров хитойлик Ли Зен Гуйни мағлуб этди.

58 КГ: Яна бир вакилимиз Дамир Захардиновнинг ярим финалда омади чопмади. У шимолий кореялик Ри Йонг Самдан 3:1 ҳисобида енгилди. Қозоғистонлик М. Курамисов ва қирғизистонлик Р. Мажинов беллашувида 6:1 ҳисобида Курамисовнинг қўли баланд келди.

63 КГ: Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси ватандошимиз Рамил Исламов ярим финалда Шимолий Кореянинг яна бир вакили Ким Хвонг Илни қўшимча вақтда мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Ушбу вазн тоифасидаги иккинчи беллашувда эронлик Д. Алиакбар эса М. Кумар (Ҳиндистон) устидан соф галабага эришди.

69 КГ: Юртдошимиз Игорь Купеев ҳам қозоғистонлик Руслан Велиевни 6:3 ҳисобида доғда қолдириб, олтин медаль учун курашни давом эттираётган 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Олтин медаль учун бўладиган ҳал қилувчи беллашувда у эронлик А. Резайи билан гиламга тушади.

Шунингдек, кеча куннинг биринчи ярмида эркин кураш бўйича саккизта вазн тоифаларида 3 — 4-ўринлар учун беллашувлар бўлиб ўтди. 54 килограммлик спортчилар орасида Адҳам Очилов хитойлик Ли Зен Гуйни 4:1 ҳисобида мағлуб этиб, XIII Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Яна бир вакилимиз Д. Захардинов ҳам 58 килограмм вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритди. Унга 3 — 4-ўрин учун бўлган учрашувда қозоғистонлик М. Курамисовни қўшимча вақтда 2:1 ҳисобида енганидан сўнг ушбу медаль насиб этди.

Кеча кечқурун эса барча вазн тоифаларида финал мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу беллашувларнинг ғолиб ва совриндорлари ҳақида кейинроқ хабар берамиз.

СПОРТ

Волейбол: Микаса кубоги

Куни кеча республика Мудофаа вазирлиги спорт мажмуида мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган аёллар ўртасида волейбол бўйича Микаса кубоги халқаро турнири тантанали равишда очилди.



БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

Ушбу нуфузли мусобақада бешта мамлакат — Япония, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этишаяпти. Дастлаб Япония ва қозоғистонлик волейболчи қизлар майдонга тушишди. Кунчиқар мамлакат спортчилари ўз рақибларидан ҳам техник, ҳам жисмоний томондан анча устун эканликлари учрашувнинг бошидаёқ аён бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, интилувчанлик билан ҳаракат қилган қўшниларимиз бир партияда муваффақиятга эришдилар. Умумий ҳисоб эса (3:1) японлар фойдасига ҳал бўлди.

Сўнгра майдон эгалари Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон волейболчи қизларининг беллашуви бошланди. Жамоамиз бош мураббий Леонид Айропетянц бошчилигида турнирга астойдил тайёргарлик кўргани дастлабки дақиқалардаёқ сезилди.

Ҳужумчиларимиздан Ў. Хўжаеванинг биринчи чизиқдан чап қўл билан берган зарбалари, М. Мартиненко ва Е. Корчагиналарнинг блок қўйишдаги маҳоратлари, Е. Жаҳонгировнинг ҳимояда қаттиқ туриши вакилларимизнинг ғалаба қозонишида асосий омиллардан бўлди, дейиш мумкин. Шунингдек, ёш спортчиларимиздан Т. Величко, О. Рублёвалларнинг ҳаракатлари мухлисларда илиқ таассурот қолдирди. Умумий ҳисобда терма жамоамиз уч партияда (25:19, 25:16, 25:16) енгиб чиқди.

Кеча кечқурун эса Қозоғистон-Қирғизистон, Ўзбекистон-Россия жамоалари ўзаро куч синашдилар. Халқаро турнир мусобақалари 30 май куни ниҳоясига етади.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ

ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланаётган бугунги кунда китобларнинг аҳамияти жуда катта. Буни дилдан ҳис этган Самарқанд вилояти «Китоб савдоси маркази» ходимлари яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан уч юз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Ургут туманида ҳашаматли «Китоб савдоси маркази» очилди.

Ушбу янги маънавият масканида ёш китобхонлар учун лотин ёзувидаги китоблар, турли хил янги адабиётлар ҳамда кундалик газета ва журналлар мавжуд бўлиб, улар туман аҳолисининг мазмунли маданий ҳордиқ чиқаришлари, мамлакатимизда бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишишларида ниҳоятда қўл келмоқда. Зиё маскани ҳозирданоқ туман аҳлининг энг севимли жойларидан бирига айланди.

Фотима ЖУМАЕВА.

Яқинда Кумқўрғон тумани маданият ва истироҳат боғида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган фольклор жамоаларининг бешинчи анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари халқ оғзаки ижодидан фойдаланган ҳолда, ранг-баранг миллий урф-одатлар, анъаналаримизни театрлаштирган ҳолда сахнада намойиш қилишди.

«БУЛБУЛИГЎЁ» — ҒОЛИБ

Ниҳоятда қизиқарли ўтган ушбу санъат мусобақасида халқона оҳангдаги куй-қўшиқ ва рақсларни ижро этган Шўрчи туманининг «Булбулигўё» фольклор-этнографик дастаси аъзолари ўн бешта бадиий жамоа орасида биринчи ўринни эгаллади. Жарқўрғон тумани «Дилрабо» ашула ва рақс халқ дастаси ҳамда Сариосиё тумани «Зевара» фольклор-этнографик халқ дастаси тайёрлаган дастурлар иккинчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, Бойсун туманининг «Бойсун булоғи» ва Қумқўрғон тумани «Маҳлиё» фольклор-этнографик халқ дасталари танловнинг учинчи мукофотига сазовор бўлди. Ғолибларга вилоят маданият ишлари бошқармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Фарида МАҲКАМОВА.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчи лавозимларига битим асосида

танлов эълон қилади.

«Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик» - кафедра мудири, доцент (2); **«Ижтимоий-сиёсий фанлар»** - кафедра мудири, доцент (4); **«Умумий, анорганик ва аналитик кимё»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (5); **«Физколлоид ва органик кимё»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент(3); **«Олий математика»** - кафедра мудири, доцент (4); **«Физика»** - кафедра мудири, доцент (3); **«Амалий механика»** - кафедра мудири, доцент (4); **«Ўзбек ва рус тиллари»** - кафедра мудири, доцент (1); **«Хорижий тиллар»** - кафедра мудири, доцент (1); **«Жисмоний тарбия»** - кафедра мудири; **«Ноорганик моддалар ва электрокимёвий ишлаб чиқариш технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (3); **«Силикат моддалар ишлаб чиқариш технологияси»** - кафедра мудири, доцент(3); **«Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (1); **«Нефть, газ ва углеродли маҳсулотларни қайта ишлаш технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (2); **«Кимё ва озиқ-овқат саноати жараёнлари ва қурилмалари»** - кафедра мудири, доцент (3); **«Электротехника»** цикли - доцент (1); **«Саноат экологияси»** - кафедра мудири, доцент (1); **«Менежмент»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (4); **«Ёғ ва мойлар технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (2); **«Шакар ва ачитқи технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (3); **«Гўшт-сут маҳсулотлари ва консервалаш технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент (1); **«Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси»** - кафедра мудири, профессор (1), доцент(1); **«Информатика ва автоматлаштириш»** - кафедра мудири, доцент (2).


Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб—1 ой.
Манзилгоҳ: Тошкент-29, «Ўзбекистон» кўчаси, 15-уй, кадрлар бўлими.
Тел. 133-22-37.


©/1777

СПЛИТ СИСТЕМАЛИ

"ЁЗ - ҚИШ" туридаги







СОВУТИШ ВА ИСИТИШ 60 кв/м ҲАЖМЛИ "TOSHI" (ЯПОНИЯ)

КОНДИЦИОНЕРЛАРИ

Тел: 45-25-40; 45-32-44.

Ф/1749

Муассаса, корхона ва барча ўқув юртлари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти муассаса,корхоналар ва ўқув юртлари учун зарур «Меъёрий ҳужжатлар тўплами»ни нашрдан чиқарди (1 ва 2 қисмлар, ўзбек ва рус тилларда).

Марказ тўпламининг биринчи қисмига қуйидаги ҳужжатлар киради:

— Ўзбекистон давлат стандарти.Олий таълим. Асосий қоидалар;

—Ўзбекистон умумдавлат классификатори.Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори;

— Олий таълим ҳақида низом.

Тўпламнинг иккинчи қисмига «Олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврларга қўйиладиган малакавий талаблар» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар киритилган.

Бундан ташқари, «Илгари амалда бўлган йўналишлар рўйхати билан янги олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори ўртасидаги мувофиқлик кўрсаткичи» ҳам киритилган.

Кўрсаткич амалдаги (1 қисмда эълон қилинган) рўйхатдан «Янги йўналишлар ва ихтисосликлар классификатори»га ўтишда хизмат қилади.

Ушбу нашрларни пул ўтказиш йўли билан харид қилиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
Тошкент ш., Навоий-11, Пахтакор-3. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти.
Телефон: 41-13-01, 144-01-11.

Ф/1773

Тошкент педиатрия медицина институти раҳбарияти ва меҳнат жамоаси I-умумий амалиёт шифокори кафедраси мудири, профессор

Ёркин Раҳимович ҲОШИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

KAFOLAT

"Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компанияси

акциядорларнинг умумий йиғилишини 1999 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, "Кафолат" ДАСКнинг биносида ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Кун тартиби:

1. *"Кафолат" ДАСК акциядорлари умумий йиғилишининг ҳисоб комиссияси таркибини тасдиқлаш.*
2. *Акциядорларнинг умумий йиғилиши иш тартибини тасдиқлаш.*
3. *"Кафолат" ДАСК Бош директорининг компаниянинг 1998 йилги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 1999 йилдаги компаниянинг асосий ривожланиш йўналишлари ҳақидаги маърузаси.*
4. *Компаниянинг йиллик ҳисоботини ва бухгалтерия балансини тасдиқлаш.*
5. *Аудитор текшируви хулосаларини тасдиқлаш. 1999 йил учун аудиторни тасдиқлаш.*
6. *Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
7. *Йиллик дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.*
8. *Тафтиш комиссияси таркибидаги ўзгартиришларни тасдиқлаш.*
9. *«Кафолат» ДАСКнинг Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартишларни тасдиқлаш.*
10. *Ҳар хил масалалар.*

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш учун 1999 йил 14 июндан бошлаб ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Йиллик умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1999 йил 30 май ҳолатига кўра тузилади.

Ўзингиз билан паспорт (шахсни тасдиқловчи ҳужжат) бўлиши, агарда вакилингиз орқали қатнашмоқчи бўлсангиз, сизнинг номингизга ёзилган (исми-шарифи, паспорт кўрсаткичлари, яшаш жойи кўрсатилган), нотариус тасдиқлаган хат шаклидаги ишончнома бўлиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Моваройнаҳр» кўчаси, 13-уй (мўлжал—"Фотон" заводи рўпарасида, шаҳар ҳокимлигининг янги биноси ёнида).

Тел: 133-27-31, 133-26-98.

"Кафолат" ДАСК Кузатув Кенгаши

LL@1795

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0368, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — А. МАДАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — И. ТУРСУНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.50
1 2 3 4 5 6